

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Хафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 18-апрелдан 23- апрелгача)

№35

Тошкент – 2016

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

2016-04-18 | [Хужжатлар](#)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” Ўзбекистон ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.
5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳри, 2016 йил 18 апрель

Президенти

И.Каримов

Ўзбекистоннинг Россиядаги Элчиси ишонч ёрлиқларини топширди

2016-04-21 | [Сиёсат](#)

2016 йилнинг 20 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Баҳром Ашрафханов Кремлда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга ишонч ёрлиқларини топширди.

Россия президенти дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарлари олдидаги нутқида Ўзбекистон билан муносабатларни юксак баҳолади ва алоқаларни янада чуқурлаштиришдан икки томон ҳам манфаатдорлигини қайд этди. “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатида ШХТнинг Уфа Саммити қарорларини амалга ошириш, жумладан ташкилот таркибини кенгайтириш бўйича Тошкентнинг саъй-ҳаракатларини” Россия қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Депутатлар қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар истиқболлари юзасидан вазифаларни белгилаб олмоқдалар

- Шрифт ўлчами
- [Печать](#)
- [Эл. почта](#)

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, хусусан, кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг ташкил этилиши, қишлоқ ҳудудларига саноатнинг кириб бориши, замонавий агротехнологияларнинг ўзлаштирилиши соҳадаги ютуқларнинг салмоғини белгиламоқда.

Ўз навбатида, мазкур саъй-ҳаракатлар қайта ишлаш саноатини, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиляпти.

Эътиборлиси, жаҳондаги кўплаб давлатларда ҳали-бери молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари бартараф этилмаган бир шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга йўналтириш имкониятлари тобора кенгаймоқда. Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги фаолиятни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида мазкур қарорда белгиланган вазифалар асосида қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгартиришларни давом эттириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда

манфаатларини ҳимоя қилишда фракция томонидан кўрилиши лозим бўлган амалий чора-тадбирлар муҳокама этилди.

Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юртимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хом ашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ҳамда полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириб бориш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатаётган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, маркетинг ҳамда бошқа инфратузилма ташкилотларини рағбатлантириш баробарида, экспорт бўйича соҳада мавжуд имкониятларни янада юксалтиради.

Депутатлар мазкур қарор мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган партия электорати вакиллари — хусусий мулкдорлар замонавий ускуна ҳамда технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан озод этилиши, қайта ишлаш корхоналари эгалари — қишлоқдаги тадбиркорлар учун берилаётган солиқ имтиёзлари орқали қўшимча маблағларга эга бўлишлари, қўшимча иш ўринлари яратиш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш имконини беришини қайд этдилар.

Энг муҳими, у ҳозирги пайтда жаҳонда шаклланган анъанавий бозорларни сақлаб қолиш ҳамда янгиларини ўзлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлар ҳамда ишбилармонларнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни минтақа ва дунё бозорларига чиқаришга қаратилган оқилона ҳамда фаол экспорт сиёсатини олиб боришда янги босқични бошлаб беради.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори мазмун-моҳиятини тадбиркорлар ва фермерлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ҳамда мазкур ҳужжат ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга оширишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

[Тиббиёт ютуқлари намоиши](#)

2016-04-20 | [Жамият](#)

ТИББИЁТ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

«ЎзэкспоМарказ»да “Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2016”, “Фармацевтика саноати – AptekaExpo Central Asia 2016” ҳамда “Стоматология – Stomatology Uzbekistan 2016” халқаро кўргазмалари очилди.

Улар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, «Ўзфармсаноат» акциядорлик концерни, «Ўзтибтехника» масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси ва «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар инсон саломатлигини асраш, аҳолининг соғлом ва узоқ умр кўришида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар янада кенгаймоқда. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига кенг турдаги фармацевтика ва профилактика воситалари етказиб берилмоқда. Кўргазмаларда ўн етти мамлакатнинг икки юздан зиёд компанияси иштирок этаётир. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Россия, Туркия, Украина, Чехия, Швейцария, Беларусь ва бошқа мамлакатлардан келган етакчи ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини тақдим этмоқда. Экспозициялардан турли замонавий тиббий технологиялар, ультратовуш, рентген аппаратлари, физиотерапевтик ва кардиологик жиҳозлар, стоматология, имплантология ва жарроҳлик асбоб-анжомлари, диагностика ва лаборатория жиҳозлари, дезинфекция, санитария-гигиена ва реабилитация воситалари, тренажёрлар, ортопедик маҳсулотлар, тиббий мебеллар, дори-дармонлар, дорихоналар учун ускуналар, шифобахш пардоз воситалари ва бошқа маҳсулотлар ўрин олган. Ҳиндистоннинг «Тупог» компанияси ишлаб чиқарадиган жароҳат ва операциялардан кейин таянч-ҳаракат тизимлари фаолиятини тиклайдиган ускуналардан дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатада фойдаланилмоқда. «Biolab Medisys» компаниясининг ортопедик имплантология йўналишида фойдаланиладиган маҳсулотлари ҳам жаҳон тиббиётининг ўзига хос янгиликларидан биридир. Яқинда пойтахтимизда мазкур компаниянинг ваколатхонаси очилди. – Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга давлат даражасида эътибор қаратилаётгани туфайли тиббиётнинг барча йўналишлари жадал тараққий этмоқда, – дейди «Biolab Medisys» компанияси ижрочи директори Ҳемансу Бҳатт. – Травматология ва ортопедия соҳасида салмоқли натижаларга эришилаётганидан хабаримиз бор. Юртингиз тиббиёт соҳаси вакиллари билан кенг ҳамкорлик қилиш ниятидамыз. Кўргазманинг тиббиёт техникаси ва ускуналари бўлимида диагностика ва даволаш соҳасида ишлатилаётган янги технологиялар – ультратовуш таҳлил, ЭКГ, рентген аппаратлари, компьютер томография ускуналари, реанимация, ортопедия ва жарроҳлик воситалари намойиш этилмоқда. Тиббий диагностика техникаси ривожини касалликларни эрта аниқлаш ва самарали даволаш имкониятини кенгайтираётир. Италияда ишлаб чиқарилаётган «Mylabelclass» ультратовуш таҳлил аппаратининг бошқа воситалардан бир қанча афзалликлари бор. Унга жигарнинг оғир касалликларини аниқлайдиган замонавий дастурлар ўрнатилган. Айниқса, эластография усули жорий этилгани бир қатор аъзоларда саратонга ҳам барвақт

ташхис кўйиш имкониятини яратди. Бундай замонавий технологиялардан мамлакатимиз тиббиётида самарали фойдаланилмоқда. Юртимизда аёллар саломатлигини асраш, уларда учрайдиган турли касалликлар, хусусан, саратоннинг олдини олиш, барвақт аниқлаш бўйича кенг қамровли тиббий скрининг ишлари амалга оширилаётир. Бу жараёнда замонавий диагностика воситаларининг ўрни беқиёс. Кўргазмага кўйилган замонавий колпоскоп ва сут безини текширадиган ихчам скрининг аппаратлари тиббиётимизнинг бу борадаги ютуқларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Кўргазмада мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотлари намойишига алоҳида ўрин ажратилган. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Medprotect system» кичик корхонаси фаолияти бунга мисолдир. 2013 йилда фаолият бошлаган корхона бугунги кунда бир неча турдаги тиббиёт буюмлари ва жиҳозларини тақдим этмоқда. Корхона маҳсулотларининг асосий фойдаланувчилари стоматология соҳаси ходимларидир. Кичик корхона мутахассислари келгусида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, янги технологияларни ўзлаштириш йўлида изланмоқда. Кўргазманинг фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлимида хорижий ва мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий тиббий препаратлар истеъмолчиларга тақдим этилмоқда. Мамлакатимиз фармацевтика корхоналари томонидан икки мингдан кўпроқ турдаги замонавий ва шифобахш дори воситалари, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. «Ўзфармсаноат» акциядорлик концернидан маълум қилишларича, бу борадаги ишларни ривожлантириш мақсадида тизимдаги корхоналарда маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўттиз бешта лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тўқсонга яқин номда импорт ўрнини босувчи янги дори воситалари, тиббиёт буюмлари, биологик фаол қўшимчалар, табиий гиёҳлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилган. Кўргазманинг стоматология саноати технологиялари намойиш этилаётган стендларида соҳада қўлланилаётган техника ва технологиялар, янги воситалар билан танишиш мумкин. Кўргазма доирасида радиология соҳасидаги янги технологиялар, ўпка касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янгича усулларига оид семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

“Пахтакор” ғалаба қозонди

Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси сафарда Бирлашган Араб Амирликларининг “Ал-Жазира” клубини мағлубиятга учратди.

“С” гуруҳида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Пахтакор” жамоаси “Ал-Жазира” клубига қарши ўтган учрашувда ҳужумкор ўйин намойиш этиб рақибларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учрашувнинг 10-дақиқасида Шерзод Каримов гол урган бўлса, Игорь Сергеев 64 ва 84- дақиқаларда рақиб дарвозасини ишғол этди. “D” гуруҳида тўп сураётган Қаршининг “Насаф” жамоаси ўз майдонида Бирлашган Араб Амирликларининг “Ал-Айн” жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Ҳамюртларимиз голини Мақсуд Каримов киритди. 3 май

куни “Пахтакор” ўз майдонида “Ал-Жазира” клубини қабул қилса, шу куни «Насаф» сафарда “Ал-Айн” билан куч синашади.

Нархдаги беқарорлик

- Шрифт ўлчами
 - [Печать](#)
 - [Эл. почта](#)

Лондон ва Нью-Йорк биржаларида нефть нархи яна пасайди. Масалан, “WTI” типидagi “қора олтин” қиймати 2,46 фоиз тушиб, бир баррели 40,07 АҚШ долларидан сотилган. “Brent” маркази эса 1,98 фоиз арзонлашди ва ҳар баррели учун 43,16 доллардан таклиф қилинган.

Талаб камайиб бормоқда

АҚШнинг компьютерлар тайёрлашга ихтисослаштирилган “Intel” компанияси раҳбарияти жорий йил давомида иш ўринлари сони 12 мингтага қисқартирилишини билдирди.

Бундай чора-тадбир қўлланилиши унинг маҳсулотларига бўлган талаб камайиб кетаётгани билан боғлиқ. Қолаверса, мазкур брендга тегишли қимматбаҳо қоғозлар баҳоси шу ҳафтада 2,5, йил бошидан буён эса 8,4 фоиз тушиб кетган.

Компания бизнесини реструктуризация қилиш доирасида 1,2 миллиард доллар сарфлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш ниятида.

Умуман, шу йилнинг биринчи чорагида дунё бўйича шахсий компьютерлар савдоси 11,5 фоиз камайган. Бундай ҳолат 2007 йилдан бери илк бор кузатилди.

Мураккаб жараёнларда фойдаланилади

Норвегияда сув юзаси ва остида ҳаракатлана оладиган робот-илон яратилди.

“Statoil”, “Kongsberg Maritime” компаниялари ва “Eelume” фирмаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган мазкур қурилма денгиз ҳамда океанлар тубида тадқиқот ўтказиш, турли иншоотларни ўрнатиш ва таъмирлашда фойдаланишга мўлжалланган. Мисол учун, у ҳажми ҳамда эгилувчанлиги туфайли кириш қийин бўлган жойларга бемалол бора олади.

Митти смартфон

Жаҳондаги энг кичик смартфон омма эътиборига ҳавола этилди. “Posh Mobile Micro X S240” русумидаги алоқа воситасининг ўлчови 89x47x11.6 миллиметрга, оғирлиги эса 52 граммга тенг.

Кўриниши содда бўлса-да, кўрсаткичлари бўйича ҳеч бир мобиль телефонидан қолишмайди. Жумладан, унга 2,4 дюймли сенсор дисплейи ўрнатилган, 512 мегабайтли оператив ва 4 гигабайтли флеш хотирага эга. Олд ҳамда орқа томонида камералари бор. Аккумулятори тўлиқ қувватлантирилса, суҳбат чоғида 4 соат, ишлатилмай турган вақтда эса 180 соатга етади.

Ишонч ва омад белгиси

Франциянинг “Cartier” заргарлик-соатсозлик уйи навбатдаги маҳсулотлари коллекциясини намоиш қилди.

Эътиборлиси, узук, сирға, билагузук, шода каби тақинчоқларда, асосан, оқ, сариқ, қизил олтин, ёғоч ҳамда малахит (яшил рангли тош)дан кенг фойдаланилган.

Уларни яратганларнинг айтишича, бунинг сабаби ёғоч ўзига бўлган ишонч, малахит эса омад рамзи бўлса, тилла ички энергияни кучайтирар экан.

“Атмосфера” 40 кундан кўп давом этади

Швециялик режиссёр Андрес Веберг томонидан энг узоқ вақт давом этадиган фильм суратга олинмоқда.

2020 йилда тугалланиши кутилаётган ва “Атмосфера” номини олган ушбу картина давомийлиги 40 кундан ҳам кўп. Бу ҳақда “The Independent” нашри хабар тарқатди. Яна бир қизиқ томони, мазкур ижод маҳсулига оид етти соатлик ролик (трейлер) тайёрланди.

лобал иқтисодиёт бўйича тахмин

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) ва Жаҳон банки бошқаруви органларининг навбатдаги мажлисида глобал иқтисодий ўсиш истиқболи пасайгани ҳамда унинг умумий секинлашиш хавфи мавжудлиги баён қилинди.

Жумладан, жорий ва келгуси йилларда жаҳон бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши атиги 0,2 — 0,3 фоизни ташкил этса, Европада бу кўрсаткич 2 фоизга тенг бўлади. Экспертларнинг таъкидлашича, мазкур масалага лоқайд қараб бўлмайди.

ХВЖ вакиллари дунё миқёсидаги геосиёсий танглик, инқироз ҳамда қатор ижтимоий муаммолар ҳам яқин келажакда глобал иқтисодиётга кўшимча хавф туғдиришини айтишган.

Иши юришмаяпти

“Европьюс” телеканални хабарига караганда, “Volkswagen” автоконцерни (Германия)нинг иши “дизель машмашаси”га аралашиб қолганидан буён юришмаяпти.

Бу унинг тежамкор “Skoda” маркасидан тортиб, “Audi” премиум моделларигача бўлган маҳсулотлари савдоси март ойида сезиларли даражада қисқарганида кўзга янада яққол ташланди. Натижада компания даромади 2,7 фоиз камайиб кетди. Биринчи чорак якунлари бўйича эса “Volkswagen”нинг Европа бозоридаги улуши 23,4 фоизгача пасайган.

Ваҳолонки, “кўхна қитъа”да янги автомобиллар харид қилиш ҳажми 6 фоиз ўсиб, инқироздан олдинги ҳолатга қайтган. Яъни 1,7 миллион дона машина сотилган. Бундай ижобий натижа 2007 йилдан бери кузатилмаётганди.

Сейсмик фаоллик кузатилмоқда

Ўтган ҳафта ўрталарида Япония жанубида рўй берган кучли zilzilalar тафсилоти жаҳон оммавий ахборот воситалари диққат-эътиборида бўлиб турган бир пайтда якшанбага ўтар кечаси сайёрамизнинг бошқа бир нуқтасида — Эквадорда ҳам худди шундай табиат ҳодисаси рўй берди.

Бу ерда кузатилган 7,8 балли ер силкиниши оқибатида 260 нафардан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди, икки ярим минг киши жароҳатланди. Бедарак йўқолганлар сони ҳам кўп. Баъзи жойларда электр таъминоти ва телефон алоқаси издан чиққан. Қидирув-қутқарув тадбирлари давом эттирилмоқда.

Сейсмологлар яқин кунларда такрорий ер силкинишлари юз бериши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирди.

Эски қурилмалардан даромад

АҚШнинг “Apple” компанияси эски “iPhone” телефонлари ва “iPad” планшетларини қайта ишлаш эвазига 999,7 килограмм олтин олишга эришди.

Унинг қиймати қарийб 40 миллион долларга тенгдир. Гап шундаки, компания смартфонларидаги деталларда ўртача 30 миллиграмм тилла мавжуд. Бундай нодир металлдан уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва чиришининг олдини олиш мақсадида фойдаланилади.

Умуман, “Apple”нинг эски қурилмаларидан жами 27,5 минг тонна қимматли моддалар, жумладан, пўлат, алюминий, шиша олишга муваффақ бўлинган.